

Буюк Британияда Ислом молияси тамойилларига мувофиқ бўлган нафақа жамғармалари фаолияти



18:36 / 15.02.2025 1103

2024 йилда Буюк Британияда шариатга мувофиқ пенсия жамғармаларига сармоялар сезиларли даражада ошган. Nest, People's Partnership ва Aviva каби йирик провайдерлар бу соҳада катта ўсиш қайд этди. Nest'нинг шариатга мувофиқ жамғармаси 180 миллион фунт стерлингдан ортиқ сармоя жалб қилди ва бу унинг бошқарувидаги активлар ҳажмини учдан бир қисмга оширди. People's Partnership'нинг шариат жамғармаси эса деярли икки баравар ўсиб, 30% даромад келтирди.

Охирги ўн йилликда шариатга мувофиқ жамғармаларнинг юқори даромадлилиги асосан АҚШ технологик компанияларининг ўсиши билан боғлиқ. Шариат жамғармалари ислом дини талабларига зид бўлган соҳаларга сармоя киритишдан қочади. Жумладан, қимор ва маст қилувчи ичимликлар ишлаб чиқариш каби тармоқларга сармоя киритмайди. Бундай жамғармалар фаолияти мунтазам равишда ислом уламолари томонидан шариатга мувофиқлиги назорат қилиб борилади.

Буюк Британияда мусулмонлар сони кўпайгани сари пенсия жамғармаларида йиғилган маблағларни турли эҳтиёжларга мослаштириш бўйича ҳукуматнинг саъй-ҳаракатлари шариатга мувофиқ сармояларнинг ўсишига ёрдам берди. «Ахлоқий сармоялар» («Ethical investing»)га бўлган

эътибор кучайиши ушбу жамғармаларга бўлган қизиқишни оширди. Бироқ айрим мутахассислар шариатга мувофиқ сармояларни турли соҳаларга киритиш имкониятлари чекланганлиги, яъни жамғармаларни диверсификация қилиш имкониятлари торлиги сабабли эҳтиёткорликка чақиришмоқда.

Манба:FT.COM